

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича  
“Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича  
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ**

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича  
“Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи  
талабгорлар учун “Сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий  
ислоҳотлар” бўйича онлайн тест синови  
ДАСТУРИ**

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи талабгорлар учун “Сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар” бўйича онлайн тест синови дастури Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича Республика комиссиясининг 2018 йил 24 августдаги 2-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган.

#### **Тузувчилар:**

- М. Бекмуродов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув социологияси ва психологияси” кафедраси мудир, профессор
- О. Махамаджонов** – Тошкент давлат юридик университети “Халқаро оммавий ҳуқуқ” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори
- Х. Муҳамедов** – Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди
- Х. Хайитов** – Тошкент давлат юридик университети “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди
- А. Расулов** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
- Р. Ҳасанов** – Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори
- М. Собирова** – Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди
- Х. Жуманиёзов** – Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, сиёсий фанлар номзоди
- Н. Акаева** – Низомий номидаги ТДПУ “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти
- Ж. Ғуломов** – Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика ва умумий психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
- А. Мухсиева** – Низомий номидаги ТДПУ “Педагогика ва умумий психология” кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди
- У. Собирова** – ЎзМУ “Социология” кафедраси доценти, социология фанлари номзоди

## КИРИШ

Мазкур синов дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3755-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Синов дастури “Тараққиёт” республика танловида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш мақсадида талабгорларнинг “Сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар” йўналишдаги билимларини аниқлаш учун мўлжалланган. Ушбу синов истиқболли бошқарув кадрларини тизимли асосда танлаб олишни таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида ҳар 3 йилда бир марта ўтказилади.

### Дастурнинг мақсади ва вазифалари

Ушбу **синов дастурининг мақсади** – истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танлови талабгорларининг мамлакатимиздаги сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, амалий ташқи сиёсат борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида тўғри таҳлил қилиш ва муаммоли вазиятларда ечимларни аниқлай олиш қобилияти ва салоҳиятига кўра муносиб кадрларни танлаб олиш.

Мазкур синов дастури таркибида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар, минтақалараро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга оид масалалар, суверенитетимизни мустаҳкамлашнинг маънавий ва иқтисодий омилларига доир муносабатлар ўз аксини топган.

Ушбу масалаларни ўрганиш нафақат дунёқарашни кенгайтириш, балки давлат бошқаруви соҳасидаги бўлажак мутахассислар – давлат хизматчиларига – мамлакатимиздаги ислохотларни ривожлантиришдаги омилларни таҳлил ва башорат эта олиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

### **Дастурнинг асосий вазифалари:**

талабгорларда давлат бошқарувини ислоҳ этиш билан боғлиқ асосий сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини таҳлил қилиш қобилияти;

бўлажак раҳбарларда бошқарувга доир асосий компетенцияларнинг нечоғлиқ шаклланганлик ҳолати;

талабгорларнинг назарий билимлари асосида турли йўналишдаги муаммоларнинг ечимини излаб топиш малакаси;

тизимли таҳлил ва ёндашув (сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маърифий, иқтисодий ва б.) асосида талабгорларларни мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни бошқарув амалиётида тўғри қўллай олиш салоҳияти;

давлат бошқаруви тизими ва уни ривожлантиришга янги технологиялар ҳамда моделлаштиришга доир усулларни қўллай билиш компетенцияси даражасини аниқлаш ҳисобланади.

### **Баҳолаш мезонлари**

Мазкур синов тест воситасида амалга оширилади. Баҳолаш услублари талабгорнинг билим даражаси, таҳлилий ва танқидий фикрлаш қобилиятини аниқлаш учун ишлаб чиқилган.

**Тест синовлари жараёнида** талабгор:

- ўрганилган материалларни муайян бир вақт доирасида умумлаштира олиш қобилияти;
- мантиқий фикрлаш, таҳлил қила олиш;
- тегишли саволларга жавоб беришда зарур қонун ҳужжатлари ва нормаларидан фойдалана олиш;
- саволларга тизимли ва равион жавоб бера олиш қобилиятини намоён этади.

### **Тест саволлари мазмуни**

Ҳар бир тест топшириғи мазкур синов дастури асосида илмий ва амалий манбалардан фойдаланиб тузилади. Тест топшириғи учта қийинлик даражасида тузилади.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси қуйидагича белгиланади:

**осон** (1) – тестдан ўтувчининг хотирада сақлаш қобилиятини аниқловчи, унча мураккаб бўлмаган бир ҳодиса ёки қонуниятни билишини талаб қилувчи даража;

**ўртача қийин** (2) – тестдан ўтувчидан таҳлил қила олиш, икки-уч қоида ёки қонуниятни бир вақтда қўллай билиш натижасида тўғри хулосага келишни талаб қилувчи даража;

**қийин** (3) – жараёни прогноз қилишда тестдан ўтувчининг тўғри жавобни топиш учун зарур бўлган ҳодиса ва қонуниятларни таҳлил қила олиш қобилиятини талаб қилувчи даража.

## **Талабгорларнинг билимига қўйиладиган талаблар**

“Сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар” (Ҳаракатлар стратегияси асосида) синовидан талабгор:

– мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида тўғри таҳлил қила олиш;

– Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида чуқур маълумотларга эга бўлиши;

– давлат тузилиши ва бошқаруви, иқтисодий муносабатлар, ижтимоий соҳа комплекси ва халқаро муносабатлар соҳасида зарур назарий тайёргарликка эга бўлиши;

– давлатимиз ва жамиятимиз барқарорлиги ҳамда хавфсизлигини мустаҳкамлаш масалаларида етарли билимларга эга бўлиши;

– давлат бошқарувини модернизациялаш ва демократлаштириш масалаларига оид назарий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий **билимларга эга бўлиши** керак.

## **Талабгорлар билимини баҳолаш**

Талабгор билими мазкур синов дастуридан келиб чиқиб тузилган тест саволларига берилган жавобларни баҳолаш орқали аниқланади.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **I йўналиш**

#### **1-мавзу. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш масалалари**

Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид вазифаларни амалга оширишда Олий Мажлиснинг роли. Олий Мажлиснинг назорат функцияси: ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини амалга ошириш. Ўзбекистон Республикасида парламент назорати институтининг шаклланиши ва ташкилий-ҳуқуқий асослари. “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва такомиллаштирилиши. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси, унинг мазмуни ва ушбу соҳада кўйилган вазифаларнинг аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойларда ишларнинг ҳолатини ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштириш масалалари. “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ва мазмуни. “Электрон парламент” тизимининг жорий қилиниши ва мақсад-вазифалари.

Олий Мажлис палаталарининг ахборот-таҳлил ва тадқиқот фаолиятини кучайтиришга қаратилган таркибий бўлинмаларнинг тузилиши.

“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши ва ривожланиши. Сиёсий партиялар ролини кучайтириш ва улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масалалари. Сиёсий партиялар фаолиятининг танқидий таҳлили. Сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан назорат қилишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш истиқболлари. Фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ижрочи котиблари лавозимининг таъсис этилиши ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари.

#### **2-мавзу. Давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш**

Давлат бошқаруви самарадорлигини оширишда номарказлаштириш масалалари. Иқтисодиётни тартибга солишда давлат иштирокини босқичма-босқич қисқартириш орқали давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислоҳ қилиш.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар Концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури. Янги таҳрирдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши сабаблари ва зарурияти.

“Давлат-хусусий шериклик” тушунчаси, вазифалари ҳамда асосий йўналишлари, мазкур шериклик иштирокчилари доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ушбу шериклик лойиҳалари доирасида амалга ошириладиган устувор вазифалар. Давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмлари. Давлат мулкидан самарали фойдаланишда бошқарувнинг замонавий турларини жорий этишга қаратилган ислоҳотлар.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган тамойилнинг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуни мақсад-вазифалари, асосий принциплари ва умумий қоидалари. “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти. Давлат хизматчиларининг моддий ва ижтимоий таъминотини тубдан такомиллаштириш. Давлат хизматига замонавий фикрлайдиган, ташаббускор, масъулиятли, касбий тайёрланган кадрларни жалб этиш.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим қилишнинг замонавий шакллари. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига “Электрон ҳуқумат” тизимини кенг жорий этиш. Давлат хизмати кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилган ислоҳотлар. Жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган давлат хизматларининг тизимлаштирилиши.

### **3-мавзу. Жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш**

Жамоатчилик бошқаруви тизимида халқ билан мулоқот механизмлари. “Халқ қабулхоналари” ва уларни ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар. Жисмоний ва юридик шахсларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари. “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши сабаблари ва шарт-шароитлари. Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг давлат органлари масъулиятининг ошишига таъсири. Жамоатчилик назоратининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини рўёбга чиқаришдаги ўрни.

Ижтимоий шерикликни ривожлантириш масалалари. «Mening fikrim» махсус веб-портали орқали электрон жамоавий мурожаат қилиш тартибининг жорий этилиши. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг вазифалари.

Фуқаролик жамияти институтлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш. Маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги роли. “Маҳалла” жамғармаси тузилмаси ва фаолиятини янада такомиллаштириш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини амалга ошириш механизмларини тартибга солиш. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини яхшилаш масалалари.

Оммавий ахборот воситалари ва уларнинг жамият ҳаётидаги фаолиятини ривожлантириш. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида қонунчиликнинг такомиллаштирилиши. Журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш. Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмларини шакллантириш. Оммавий ахборот воситалари томонидан жамоатчилик назорати (журналистик текшируви) ни амалга ошириш тартиби ва журналистнинг эркин фаолият юритиши учун қўшимча кафолатларнинг жорий қилиниши.

## **II йўналиш**

### **4-мавзу. Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва такомиллаштириш**

Судьялар мақомининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Суд тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминот даражасини яхшилаш. Судларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Судларни янада ихтисослаштириш. Терговга қадар текширув, суриштирув ва терговнинг ҳар томонлама ҳамда ҳолисона юритилишида судьянинг чинакам мустақиллигини таъминлаш.

Адвокат ваколатларини тергов ва суд жараёнларининг барча босқичида кенгайтириш. Суд жараёнида томонларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиқ тамойилларини ҳар томонлама татбиқ этиш.

Суриштирув ва дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш.

Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш. Суд тизими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш сифати ва самарадорлигини ошириш.

### **5-мавзу. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш**

Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш масалалари. Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш. Фуқароларнинг қийноққа солиниши ёки бошқача тарздаги кадр-қимматини камситувчи тазйиқлардан ҳимояланиш кафолатларини кучайтириш. Маҳкумлар ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш. Жазони ижро этиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш механизмининг такомиллаштириш. Фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш. Фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси самарадорлигини ошириш.



## **6-мавзу. Маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий қонунчиликни такомиллаштириш**

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича 2018 - 2021 йилларга мўлжалланган Концепциянинг мазмун-моҳияти.

Одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш. Судгача фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал этишнинг механизмини ишлаб чиқиш. Суд-тергов жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, жиноят ишларини юритишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид илғор халқаро стандартларни жорий этиш. Суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича қўшимча қафолатлар яратиш. Жиноят, фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган ваколат ва инстанцияларни қисқартириш. Электрон тартибда суд ва ижро иши юритишнинг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш.

## **7-мавзу. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш**

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш масалалари. Диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларнинг кучайтирилиши. Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик. Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш. Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятининг очиқ ва шаффоф механизмларини жорий этиш. Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашдаги иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатишнинг амалий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш.

## **8-мавзу. Суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни янада мустаҳкамлаш**

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш. Жиноят ишини кўриб чиқишнинг тезкорлиги ва самарадорлигини ошириш. Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ходимларини ўқитиш, танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ротация қилиш тизимини такомиллаштириш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмининг самарадорлигини ошириш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назорати механизмлари самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш.

## **9-мавзу. Юридик ёрдам ва хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш**

Давлат органларининг юридик хизмати фаолияти самарадорлигини ошириш. Аҳолига юридик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш. Адвокатура институтини ривожлантириш, жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларни кўриб чиқишда адвокатларнинг ролини ошириш. Адвокатлик тузилмаларининг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари жорий этиш. Тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи корпоратив юридик маслаҳатлар ва юридик консалтингларни ривожлантириш. Нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органлари тизимини ислоҳ қилиш. ФХДЁ органлари фаолиятига замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш.

## **III йўналиш**

### **10-мавзу. Макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш**

Мамлакатимиз ЯИМи ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқлар роли. Саноатни ривожлантиришнинг асосий омиллари. Ташқи савдо айланмаси таркибидаги ижобий ўзгаришлар. Янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор иқтисодий ҳолатининг мустаҳкамланиши. Макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш.

Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш.

Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган ўзгаришлар ва турли салбий тенденциялар. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритилган натижалар. Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришлари. Жаҳон иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хулосалар.

### **11-мавзу. Банк-молия тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш**

Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш. Солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш. Пул-кредит сиёсати. Валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш.

Банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш. Банкларнинг капиталлашуви даражаси ва депозит базасини ошириш. Банкларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашини янада кенгайтириш.

Суғурта, лизинг ва бошқа молиявий хизматларнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш ҳисобига кенгайтириш, шунингдек, капитални жалб қилиш ҳамда корхона, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин ресурсларини жойлаштиришдаги муқобил манба сифатида фонд бозорини ривожлантириш.

### **12-мавзу. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш**

Таркибий ўзгаришлар моҳияти ва манбалари. Таркибий ўзгаришларнинг зарурлиги ва шарт-шароитлари. Таркибий ўзгаришлар ва ихтисослашув. Глобаллашув шароитида таркибий ўзгаришларнинг хусусиятлари. Иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар. Иқтисодиётнинг асосий секторлари: реал, бюджет ва пул секторларидаги ўзгаришлар. Давлат сектори ва хусусий сектор. Иқтисодиётнинг цикллилиги ва таркибий ўзгаришлар.

Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, хусусан, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш. Иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш. Маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияга чек қуйиш. Янги маҳсулот ва технология турларини

ўзлаштириш. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш. Истеъмол товарлари ва бутловчи буюмлар импортини камайтириш. Гармоқлараро саноат кооперацияси. Иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш. Ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш. Иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш.

Фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар. Технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиларини ташкил этиш. Хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот таркибида хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш.

Туризм индустриясини жадал ривожлантириш. Туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш. Туризм инфратузилмасини кенгайтириш;

Экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш. Экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш. Иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш.

Йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш. Иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

### **13-мавзу. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш**

Бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш. Ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ҳамда мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш. Иқтисодиётни либераллаштириш.

Хусусий мулк ҳуқуқи ва кафолатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес ривожини йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш. “Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади” деган тамойилнинг мазмун-моҳияти.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш. Тадбиркорлик тузилмаларининг фаолиятига давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларни қатъий чеклаш.

### **14-мавзу. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш**

Қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш. Мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш. Экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш. Янги интенсив боғ ва узумзорлар майдонларини ташкил этиш ва оптималлаштириш.

Фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш. Кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларни қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш.

### **15-мавзу. Худудларни иқтисодий ривожлантириш**

Худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш. Худудларнинг саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ўртасидаги фарқларни камайтириш. Янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш. Кичик саноат зоналарини ташкил қилиш. Кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш. Субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш. Маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш.

Худудларда саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш. Хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида худудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш.

### **16-мавзу. Иқтисодий ривожланишни таъминлашда инвестиция ва ташқи сиёсат**

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига кўшилишининг шарт-шароитлари. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари. Турли мамлакатлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг кучайиб бориши. Мамлакатимизда очиқ индустриал иқтисодий худудларнинг ривожланиши. Ўзбекистоннинг яқин кўшни мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг кучайиши.

Инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва худудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш.

Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш. Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик муҳитини шакллантириш. Мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш.

### **17-мавзу. Халқаро иқтисодий интеграция ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши**

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари тўғрисидаги турлича назариялар ва уларнинг асосий йўналишлари. Халқаро иқтисодий

интеграциянинг мазмуни. Халқаро иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари. Халқаро иқтисодий интеграция жараёнини тақозо қилувчи омиллар. Жаҳондаги асосий интеграцион гуруҳларнинг амал қилиш хусусиятлари. Очiq иқтисодиёт ва унинг ўзига хос белгилари.

Давлатлараро иқтисодий интеграциянинг ривожланишидаги шарт-шароитлар. Турли минтақалардаги асосий интеграцион гуруҳлар. Европа Иттифоқи (ЕИ), Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА), Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН), Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ).

Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига қўшилишининг шарт-шароитлари. Республиканинг жаҳон хўжалигига интеграциялашувининг глобал, трансконтинентал, минтақалараро, минтақавий даражалари. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари.

Ўзбекистоннинг турли мамлакатлар билан ўзаро манфаатли икки томонлама ҳамкорлик алоқаларининг кучайиб бориши мамлакатимизда очiq индустриал иқтисодий ҳудудларнинг ривожланиши. Ўзбекистоннинг яқин кўшни мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлигининг кучайиши.

## **18-мавзу. Иқтисодий тараққиёт, иқтисодий ўсиш ва миллий бойлик**

Иқтисодий тараққиётнинг мазмуни ва кўрсаткичлари. Иқтисодий тараққиётнинг иқтисодий ўсишдан фарқли жиҳатлари. Иқтисодий тараққиётнинг экстенсив ва интенсив турлари. Иқтисодий ўсиш назариялари, концепция ва моделлари. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва некейнсча моделлари. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, мезонлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсиш суръати. Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Миллий бойлик ва унинг таркибий қисмлари. Моддий-буюмлашган, номоддий (интеллектуал) ва табиий бойлик.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти. Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва иқтисодий ўсиш муаммолари. Иқтисодий ўсиш самарадорлигини таъминлашда табиий, моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг аҳамияти.

## **19-мавзу. Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни, инновацион жараён моделлари ва қонуниятлари**

Инновацион ривожланишнинг моҳияти ва мазмуни. Ривожланишнинг инновацион типи. Юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш. Микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш. Технопарк, технополис, кам энергия талаб этадиган технологиялардан фойдаланиш сиёсати. Ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуалаштириш. Иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш. Илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Инновацион таракқиётда инновацияларнинг чизикли модели. Фундаментал илмий ғоялар. Инновацияларнинг кўп сонли манбалар модели. Билимларга асосланган иқтисодиёт. Илмий салоҳият. Инновацион жараён моделларининг амал қилиш қонуниятлари. Давлатнинг илмий-техник сиёсати.

## **20-мавзу. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши**

Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши. Инновация инфратузилмаси. Молиявий инфратузилма. Инновацион ривожланиш концепцияси. Инновацион муҳит.

Технологик изчиллик қонуниятлари. Инновацияга асосланган иқтисодий тизимнинг хусусиятлари. Илмий тадқиқот институтлари. Ўзбекистонда фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотлар.

Ўзбекистонда инновацион тизимни уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштириш. Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиш истиқболлари.

## **IV йўналиш**

### **21-мавзу. Аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш: реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сони ва аҳолининг даромадлари бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажминини изчил ошириш.

Янги иш ўринларини яратиш ва бандликни таъминлаш, меҳнат бозори мутаносиблиги ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш.

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, иш кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш.

### **22-мавзу. Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш**

Аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш.

Оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325 сонли Фармонининг мазмун -моҳияти.

